



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

## **МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ НЕЙРОПСИХОЛОГИК ФАОЛИЯТ ПАТОЛОГИЯСИ ВА УЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТИББИЙ -ПЕДАГОГИК- ПСИХОЛОГИК ТАДБИРЛАРИ**

М. Р. Пўлатхўжаева,

Доценти Низомий номидаги Тошкент Давлат

Педагогика Университети

### **Аннатация**

Мазкур мақолада мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган бош мия жароҳатлари ва ундаги нейрофизиологик бузилишларнинг ўзига хослиги, асоратлари ва мазкур болалар билан олиб бориладиган тиббий -педагогик -психологик чора тадбирларнинг тизмий олиб бориш масалалари кўриб чиқлади.

### **Аннотация:**

В статье даны рекомендации родителям детей дошкольного возраста с нарушениями деятельности головного мозга с последствиями. Подходы образовательной, воспитательной и коррекционной работе, проводимой в семье. Освещены эффективные способы организации взаимодействия семьи и учреждений.

### **Abstract:**

This article discusses the condition of conducting, complications of school-age children and neurographiologial disturbances and the range of examination of medical and technical measures taken to these children.

**Таянч тушунчалар.** Нейрофизиология, апатик, адинамик, гипердинамика, гиперпатик, аффект, вегетатив симптомлар, марказий нерв системаси.

**Ключевые слова:** Нейрофизиология, апатия, адинамия, гипердинамика, гиперпатия, аффект, вегетативные симптомы



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

**Basic concepts** Neyropsihology, apatiya, adinamia, hypersidine, affective, vegetative symptoms, central nervous systems.

Маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд оила мустаҳкамлиги ва бардавомлиги, жамият мустахкамлиги ва маънавий етуклигининг гаровидир. Аммо, кўп касал бўладиган бола ҳар қандай онани жуда оғир аҳволга солиб қўйиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Шифокор қабулига тинимсиз қатнашлар, яхши шифокор излаш, таҳлиллар, дори-дармонлар, касаллик таътилига чиқишлилар ва ҳафталар давомида тўрт девор ичидаги қамалиб қолиш азоблари. Боланинг бундай тез-тез касал бўлишига сабаб нима? Болалик даврида бош миянинг жароҳатланиши (ҳоҳ травма, ҳоҳ қон-томир касллиги кўринишида) бола ривожининг турли давларида содир бўлиши мумкин. Қадимдан бошлаб болалар бош мия тизимининг барча жароҳатлари уч даврий гурӯҳга бўлинган, буларга: хомиладорлик давридаги, туғруқ пайтидаги ва туғруқдан кейинги жароҳатлар:

- хомиладорлик давридаги жароҳатлар хомиланинг нерв тизими ривожланишининг орқада қолишига сабаб бўлиб, бу хомиланинг ривожига салбий таъсир ўтказади, айниқса, марказий нерв системасининг заарланиши бош мия ривожланишининг орқада қолиши билан асоратланади. Баъзи патологик яъни заараланган аъзолар симптомлари кейинчалик, бола ҳаётининг биринчи йилларида кўзга ташланиши бу эса ҳаракат, нутқ ва руҳий функцияларнинг бузилишида намоён бўлиши мумкин.

Туғруқнинг номеёрий кечиши билан боғлиқ. Туғруқнинг барча турларида энг кўп кузатиладиган асоратлардан бири мия моддасига қон қуйилиши ҳисобланади яъни узоқ давом этувчи туғруқларда бошнинг эзилиши яъни деформацияси натижасида томирлар узилиши пайдо бўлади.

Марказий нерв системасининг травматик жароҳати натижасида асосий нерв жараёнлари мувозанатини бузувчи мураккаб патофизиологик механизmlар пайдо бўлади. Мияда қон айланишининг бузилиши, орқа мия суюқлиги циркуляциясининг издан чиқиши, мия шиши ва бошқа турдаги заарли механизmlар пайдо бўлишига сабаб бўлади.



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

. Касаллик ўткир давридан кейин бузилган функцияларни тикланиши билан харakterланадиган соғайиш даври бошланади. Болалар марказий нерв тизимининг тикланиш жараёни юқори эканлиги сабабли, болалик даврида бош мия жароҳатлари ҳар доим ҳам оғир асоратларга олиб келмайди. Бирок, бир қатор ҳолларда жароҳат оқибатидаги бир неча йиллар мобайнида кузатилувчи патологик симптомлар қайд қилинади. Қайталаниб турувчи бош оғриқлари, бой айланиши, вегетатив-қон томир симптомлари, тез толиқувчанлик, харakterнинг ўзгариши, хотиранинг бузилиши, баъзан интеллектнинг пасайиши кўп кузатиладиган белгилаш қаторига киради. Жароҳатнинг жойлашув ўрнига қўра пайдо бўлувчи белгилар парез, фалаж, афазия, карлик кабиларда намоён бўлади. Болалик давридаги жароҳат асоратлари айниқса, ташқи шарт- шароитларни ўзгаришида (масалан, мактабгача таълим муассасаси, умумий ўрта таълим муасассасига чиқишида) намоён бўлади. Одатда, бу ҳолларда тарбиячилар болада қўзғалувчанлик, жаҳлдорлик, аффектларга мойиллик, қайфиятни тез ўзгариб туриши, бош оғриқлари, баъзида интеллектнинг пасайиши ва нутқ ривожланишининг орқада қолиши каби бир қатор ўзиги хос хусусиятларни кузатадилар. Баъзи ҳолларда мазкур белгилар болани маҳсус (ёрдамчи) муассасага ўтказишига сабаб бўлади.

Жароҳатланган бола нейропсихологик фаолиятини мустаҳкамлашда тўғри ташкил қилинган кун тартиби катта аҳамиятга эга. ўқув юкламаси шифокор ва ўқитувчи томонидан назорат қилинади. Баъзи ҳолларда машғулотлар якка тартибда ўтказилиши зарур. Бола ўқитувчи ва дўстларининг ёрдами билан таъминланиши зарур. Ўқитувчи бола билан унда ўзига ишончни, фаолликни, яхши қайфиятни мустаҳкамлашга қаратилган сухбатларни доимий тарзда олиб бориш даркор. Енгил спорт, тоза ҳавода ўтказиладиган ўйинлар, турли қўл меҳнати тўғаракларидағи толиқтирмайдиган машғулотлар фойдалидир.

Бош-мия жароҳатларини бошдан кечирган қўпчилик бола ва ўсмирлар маълум ёрдам билан оммавий мактабда таълим олишлари мумкин. Оғир даражадаги жароҳатларда эса кейинги таълим олиш муаммоси маҳсус мактаб билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай болаларда жароҳатнинг алоҳида асоратлари сифатида тизимиш бош оғриғи хуружлари



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

кузатилиб, бу оғриқлар күпинча бош ички босимининг ошиши билан боғлиқ бўлади, мазкур ҳолларда болани зудлик билан мутахассис-шифокорга юбориш зарур. Бу болаларда бош оғриғидан кўп шикоят қилиш кўп учрайдигин ҳолдир. Жароҳат асоратлари қолдиқ ҳолатлар сифатида кўпинча хотиранинг кескин заифлашувида намоён бўлиб, бу ҳолат албатта, боланинг ўқишидаги ўзлаштириш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Бундай болалар ривожланиш динамикасини кузатиш давомида мазкур хотира бузилишлари вақтингчалик характерга эга бўлиши ва ўқитувчининг доимий иши давомида тузатилиши мумкин. Яна бир патологик симптом ёзув (дисграфия) ва ўқиши (дислексия)нинг бузилишида акс этади. Кўпинча фонематик анализнинг пасайиши окибатидаги акустик дисграфия шакллари кузатилади. Бу болаларнинг ёзган диктанти хатоларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Ҳарфларни алмаштириш, бошқалари билан адаштириш эса ўқишини қийинлаштиради. Баъзи ҳолларда яхши натижага эришиш бир неча ой ва ҳатто, бир қанча йилларгача чўзилиб кетади

Тавсия ўрнида- Ота-онанинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандни дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли маърифатли ва баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятда ўрнини мустақил равишда топишга шарт – шароит яратиб беришдан иборат. Соғлом фарзанд тарбиясида оиласидаги маънавий муҳитнинг тўғри йўлга қўйилиши, ота-онанинг ибрати ва масъулияти ҳар қачонгидан муҳимдир. Ушбу масалада матонатли, фидойӣ, сабр-тоқатли, баъзан қаттиққўл тежамкор отанинг ҳам, меҳридарё, бағрикенг, юмшоқ кўнгил онанинг ҳам ўз ўрни бор.

Фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг қанчалик педагогик-психологик билимларга эга бўлишининг ўрни бекиёсdir. Ҳар бир ота-она фарзандининг шаклланиши ва рухиятидаги ўзгаришларига жуда қизиқади, аммо ўзларидан “боламга бугун қанча вақт ажратдим?” деб сўраганларида, қониқтирадиган жавобни кам оладилар. Қилинган тажрибаларда, асосан

6 ёшгacha бўлган давр ичida болаларнинг шаклланиши ота-оналарнинг уларга қанча вақт ажратишлари билан боғлиқлиги кузатилмоқда. Вақт ажратиш - болаларнинг марказий нерв системаси ривожланишига яхши таъсир қилиши эътироф этилмоқда. Отa-ona кундалик ишларини бир томонга суриб,



# E CONF SERIES



**International Conference on Modern Science and Scientific Studies**

**Hosted online from Madrid, Spain**

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

20<sup>th</sup> May 2025

---

болаларига, албатта вақт ажратиши зарур. Болангиз билан ўтказган вақтингиз унинг ишончини оширади. Чунки унга вақт ажратишингиз, болага кўрсатилаётган эътиборни билдиради.

Агар фарзандингиз сизга қанчалик яқин бўлса, ёмонликлардан шунчалик йироқлашади. Ҳаёти давомида сиз ва умуман оиласи билан мустахкам боғланган бўлса, муаммолар камаяди

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

- 1.Анохин П.К.Системные механизмы высший нервной деятельности; Избранные труды – М.,1979.ИІ
- 2.Бадалян Л. О., Журба Л. Т., Всеволожская Н.М. Руководство по неврологии раннего возраста. — Киев
- 3.Лурия А.Р. Основы нейропсихологии. — М., 1973.
- 4.Крыжановский Г.Н. Общая патофизиология нервной системы. — М., 1997.